



**К О Б А В И Т**  
**меъда-ичак яраларининг**  
**давосида патогенетик**  
**жиҳатдан асосланган**  
**инновацион препарат**



**25 йил давомида**  
**шифокор ва беморларнинг**  
**ишончини оқлаб келаётган восита**

Препарат инновацион «А.В.-БИОКОМ»  
фармацевтик компанияси томонидан яратилган 

## К О Б А В И Т

**кобальт микроэлементининг табиий моддалар -  
глутамин аминокислотаси ва витамин U билан ҳосил  
қилган комплекс бирикмаси бўлиб, у хужайрани  
ҳимояловчи (цитопротектив) ва яра битиш  
жараёнларини жадаллаштирувчи препарат сифатида  
меъда ва 12-бармоқли ичак яраларида,  
гастродуоденал яраларни оператив даволаш  
натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган  
асоратларнинг олдини олиш ва уларнинг давосида  
қўлланиладиган инновацион препарат**

**Меъда ва 12-бармоқли ичак яраларининг анъанавий давосида  
қўлланиладиган препаратлардан фарқли равишда, Кобавит  
патогенетик даво табиатини белгиловчи қуйидаги  
таъсир механизмларига эга**

**1. Кобавит меъда ва ичак тўқима шиллиқ қаватидаги эримай-  
диган гликопротеинлар синтезини кучайтиради, шиллиқ қавати-  
нинг қовушқоқ-эластик хусусиятларини тиклайди, яраларнинг,  
шу жумладан катта ва улкан яраларнинг чандиқсиз битиш  
муддатларини жадал равишда қисқартиради (расм)**

**КОБАВИТНИНГ МЕЪДА-ИЧАК ЯРАЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИДА МЕЪДА  
ШИЛЛИҚ ТЎСИҒИ ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ**

*Исамухамедова Л.Ж., Якубов А.В., Мирварисова Л.Т. ва бошқалар*

Меъда-ичак яраларининг анъанавий даво услубининг препаратлари шиллиқ тўсиғига таъсир этмайди, шу сабабли комплекс давога цитопротекторларни кириши зарур.

Миллий препарат бўлган кобавит комплекс бирикмаси шиллиқ қават тўсиғига меъда шираси таркибидаги шиллиқ гелини катта қийматларда камайтириш, эримайдиган шиллиқ гели таркибидаги карбон сув фракциялари ва оқсилларнинг орттириш орқали намоён бўладиган цитопротектив таъсир кўрсатади

*«Ўзбекистон тиббиёт журнали», 2002 й. 5-6 сонларида чоп  
этилган мақоланинг «Хулласалар» бўлиmidан кўчирма*

Изоҳ: Цитопротектор – хужайра химояловчиси



Расм. Кобавитни эрозив гастродуоденитда қўлланилгандаги клиник самараси (Дилшод Х., 31 ёш)

Давогача (а).

Меъда антрал бўлимида  
4 яра ўчоғи кузатилади  
(кўп яралари касаллик).  
Яра ўлчамлари - 4, 3, 2 ва 2 см.

Кобавит ва протон насоси ингибитори  
билан олиб борилган 30 кунлик  
даводан сўнг (б).

Яра ўчоғлари ва яллиғланиш сатҳ-  
лари кузатилмайди, чандиқлар йўқ

Изоҳ. Ўлчамларига қараб меъда яралари қуйидагиларга бўлинади:  
Кичик яра – ўлчами 0,5 см гача; Ўртача яра – ўлчами 2,0 см гача;  
Катта яра- ўлчами 3 см гача; Улкан яра – ўлчами 3 см дан катта

## **2. Кобавит гастродуоденал соҳа шиллиқ қаватига ҳужайрани ҳимояловчи (цитопротектив), шу жумладан индуктив ва антиоксидант табиатли таъсир кўрсатади**

КОБАВИТНИНГ ЦИТОПРОТЕКТИВ ТАЪСИРИ – МЕЪДА-ИЧАК ЯРАЛАРИ ДАВОСИДА ЯНГИЛИК

*Исамухамедова Л.Ж., Якубов А.В., Саидов А.Б.*

Кобавит таъсирида меъда шиллиқ қаватида сут кислотаси, липидларнинг перекисли оксидланиш маҳсулотларининг миқдорлари камайиши аниқланди. Антиоксидант ферментларининг фаоллиги 31,2% ортди, фосфолипидларнинг миқдори кўпайди. Цитохром Р450 миқдорининг 35,4% ортиши ЭГП синтезининг изчиллашувига олиб келади, ҳимоя механизмларининг кучайишига ва яра соҳасидаги регенерациянинг яхшиланишига сабаб бўлади.

Кобавитни цитопротектив восита сифатида кенг қўламда клиник қўллашга тавсия этамиз.

*«International Journal on Immunorehabilitation» журналида (Москва, 2002 й., 4 боб, №1) чоп этилган мақоладан кўчирма*

Изоҳ: ЭГП – эримайдиган гликопротеинлар

**КОБАВИТНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ МЕЪДА-ИЧАК ЯРАСИДА МЕЪДА ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИНГ АНТИОКСИДАНТ ҲИМОЯ (АОХ) ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ**

*Исамухамедова Л.Ж., Ходжимухамедова Н.У., Якубов А.В.*

Маълумки, ҳозирги вақтга қадар, меъда-ичак яраларида эффектив антиоксидант терапия услубини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бунга мавжуд бўлган препаратларнинг етарли даражада эффектив эмаслиги ва қатор ножўя таъсирларга эга эканлиги сабабдир. ...

Альфа-токоферолни 10 кун давомида қўллаш супероксиддисмутаза (СОД) фаоллигини 13,2%, каталаза (КТ) фаоллигини эса 31,4% ортишига олиб келди. Антиоксидант (АО) фаоллиги жиҳатидан кобавит юқори эканлиги аниқланди. Препарат қўлланилганда ... бизлар СОД фаоллигини 50,5%, КТ фаоллигини 53,6% ортанлигини кузатдик.

Шундай қилиб, кобавит АО эффекти жиҳатидан маълум бўлган препарат альфа-токоферолдан устун туради ва уни меъда-ичак яраларини давосида антиоксидант сифатида қўллашга тавсия этиш мумкин.

*«Актуальные вопросы современной медицины (патогенез, диагностика, лечение)» илмий-амалий конференциясида чоп этилган манбадан кўчирма*

**3. Гастродуоденал ярали беморларда жарроҳлик йўли билан ўтказилган оператив даводан сўнг «Кобавит» препарати қўлланилганда, узоқ муддатдан сўнг келиб чиқиши мумкин бўлган ножўя ҳолатларнинг олди олиниди**

КОБАВИТНИНГ БАЪЗИ ПОСТГАСТРОРЕЗЕКЦИЯ ВА ПОСТВАГОТОМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ДАВОСИДА ҚўЛЛАНИЛИШИ

*Муаллифлар: тиббиёт фанлари доктори, проф. Аталиев А.Э., тиббиёт фанлари номзоди Мавлянов А.Р. Курбанов О.М.*

Асоратланган меъда яралари касаллигида ўтказилган жарроҳлик аралашуви унинг ҳажми ва характери бўйича қандай бўлишидан қатъий назар, фойда билан бир қаторда албатта келиб чиқадиган меъда-ичак тракти органлари орасида янги анатом-физиологик муносабатларни шакллантиради, қўшни орган ва тизимларда кузатиладиган функционал ва морфологик силжишларга сабаб бўлади. Меъда соҳасида жарроҳлик ўтказилганларнинг бир қисмида овқат ҳазм қилиш тизимининг декомпенсацияси натижасида янги касаллик ҳолатлари келиб чиқади, бошқаларида - жарроҳлик муолажаси кутилган натижани бермайди ва асосий касаллик қайта хуруж қилади.

... метаболитик жараёнларнинг коррекциясини ўтказишни муҳим деб биламиз, бунга эришиш учун ҳар бир салбий оқибатларнинг даво комплексига ЛПО-АОХ жараёнларини стабиллаш, эндотоксемия ва меъда культаси ҳамда ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватларининг деструктив ўзгаришларини олдини олувчи антиоксидант ва антигипоксик таъсирга эга препаратларни киритишни тавсия этамиз.

#### ХУЛОСАЛАР:

1. Ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги ЛПОнинг фаоллашуви, ЭИ кучайиши ва АОХ ферментлари фаоллигининг пасайиши билан характерланади, ва бу ҳолатлар асоратлар билан давом этувчи жарроҳликдан кейинги узоқ муддатларда кучли тус олади.

2. Кобавитни (20 кун давомида 1 таблеткадан кунига 2 маротаба) комплекс терапияга киритилиши гиперлипипероксидация ва ЭИ даражаларини камайтиради, АОХ ферментларининг фаоллигини орттиради, регенератор жараёнларни кучайтиради ва оқибатда даво муложаларининг эффективлигини оширади, ва булар уни кенг қўлашда қўллашга тавсия этиш учун асос бўлади.

*ЎзР ССВ томонидан 1999 йилда чоп Услубий қўлланмадан кўчирма.*

Изоҳ: ЛПО – липидларнинг перексидли оксидланиши

ЭИ – эндоген интоксикация (эндотоксемия)

АОХ - антиоксидант ҳимоя тизими

**4. Кобавит шиллиқ қават тўқималаридаги микроэлементлар таркибига ижобий таъсир этадиган ягона препаратдир. Унинг таъсирида шиллиқ қават тўқимасида рух, кобальт ва селен каби аҳамиятли антиоксидант элементларнинг миқдорлари ортади, темир элементининг миқдори эса (яра ўлчамларининг катталашуви сабаб бўладиган ЛПО жараёни активатори) – камаяди**

**МАҲАЛЛИЙ КОБАВИТ ПРЕПАРАТИНИ БОЛАЛАРДАГИ МЕЪДА-ИЧАК ЯРАСИ КАСАЛЛИГИНИНГ КОМПЛЕКС ТЕРАПИЯСИДА ҚўЛЛАШ**  
Хамраев Х.Т., Рустамов М.Р.

Болалар гастроэнтерологиясининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб меъда ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватининг зарарланишини ўрганиш ҳисобланади. Муаммонинг долзарблиги патологиянинг кенг тарқалганлиги ва асоратларининг тез-тез учраши билан белгиланади.

... касалликни тез-тез такрорланиши, комплекс давонинг етарли самарага эга эмаслиги бу гуруҳ беморларнинг давосида патогенетик жиҳатдан асосланган янги даво услубларини излаш зарурлигини тақозо қилади.

... олинган натижалар кобавит препаратининг клиник кўрсаткичларга ижобий таъсир этишини, ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги бўлган болаларнинг қонидаги ҳаётий аҳамиятга эга кобальт микроэлементи, диен конъюгатлари ва малон диальдегидининг миқдорларига нормаллаштирувчи таъсир этишлигини кўрсатди.

Буларнинг ҳаммаси препарат эффективлигининг меъзони бўлиши билан бир қаторда, уни қўллаш патогенетик жиҳатдан асосланган даво эканлигини кўрсатади.

*«Умумий амалиёт доктори ахборотномаси» журналида чоп этилган манбадан кўчирма*

**5. Кобавит меъда шираси кўрсаткичларини эрта нормаллашуви-га кўмаклашади, касалликнинг асосий клиник аломатларини («жиғилдон қайнаши», эпигастрал соҳадаги оғриқлар) қисқа муддатларда йўқолишига олиб келади.**

Меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини консерватив даволашда, шунингдек гастродуаденал соҳа яра касаллигидаги оператив аралашувлардан кейин «Кобавит» препаратни қуйидаги схема бўйича қўллаш керак (овқатдан 1-1,5 соат аввал қабул қилинади):

**таблеткалар 0,01 г дан кунига 2 марта 20-25 кун давомида.**

Зарур бўлган ҳолларда даво курслари узайтирилиши ёки такрорий даво ўтказилиши мумкин.

Препарат яхши ўзлаштирилади. Қандай бўлмасин ножўя самаралари аниқланмаган.

Келтирилган илмий мақолалар, ЎзР ССВ услубий қўлланмалари ва препарат ҳақидаги бошқа маълумотлар билан компаниянинг

[www.biokom.uz](http://www.biokom.uz)

деб номланган сайти орқали тўлиқ танишишингиз мумкин

Маълумот учун телефон: (+99890) – 3502051

